# Р.Б.КЕТТЕЛНИНГ ЎН ОЛТИ ОМИЛЛИ ШАХСНИ ЎРГАНИШ СЎРОВНОМАСИ 16 PF “A” ВАРИАНТИНИ МОСЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ (БОЖХОНА УЧУН)

**Кодиров Мирзаакрам Собиржонович**
Божхона институти катта ўқитувчиси, психология фанллари бўйича фалсафа доктори PhD
https://doi.org/10.5281/zenodo.7677236

**Аннотация:** Мазкур мақола Р.Б.Кеттелнинг ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси 16 PF “A” вариантини божхона хизмати учун фойдаланишда мослаштириш масалаларини илмий-назарий таҳлилига бағишланган. Тадқиқот натижаларидан олинган маълумотлар Кадрлар бўлими, Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бўлими, Контрабандага қарши курашиш бўлимлари ва бошқа шахсий таркиб билан ишловчи бўлимлар томонидан кадрларни танлаш ва ўрганишда, Божхона институтига ўқишга қабул қилиш жараёнида, божхона хизмати ходимларининг иш фаолиятларини тўғри ва аниқ ташкиллаштиришда фойдаланиш мумкин.
**Калит сўзлар:** сўровнома, божхона хизмати ходими, шахс хусусиятлари, методика, корреляция, фактор, шакл.

# R.B.CATTELL’S THE SIXTEEN PERSONALITY FACTOR QUESTIONNAIRE 16PF “A” FORM ADAPTATION ISSUES (FOR CUSTOMS)

**Abstract:** This article is devoted to the scientific-theoretical analysis of the issues of adaptation of R.B. Cettell's study of the sixteen-factor personality in the use of option 16 PF “A” for the customs service. The results of the study can be used by the Personnel Department, Anti-Corruption and Own Security Department, Anti-Smuggling and other personnel departments in the selection and training of personnel, the admission process to the Customs Institute, the correct and accurate organization of customs officers.
**Keywords:** questionnaire, customs officer, personality traits, methodology, correlation, factor, form.

# ВОПРОСЫ АДАПТАЦИИ 16-ФАКТОРНЫЙ ЛИЧНОСТНЫЙ ОПРОСНИК 16PF ФОРМА «А» Р. Б. КЕТТЕЛА (ДЛЯ ТАМОЖНИ)

**Аннотация:** Данная статья посвящена научно-теоретическому анализу вопросов адаптации исследования Р. Б. Кеттель шестнадцатифакторной личности при применении варианта 16 ПФ «А» для таможенной службы. Результаты исследования могут быть использованы отделом кадров, отделом по борьбе с коррупцией и собственной безопасности, по борьбе с контрабандой и другими кадровыми отделами при подборе и обучении кадров, процессе приема в Таможенный институт, правильной и точной организации таможенники.

**Ключевые слова:** анкета, таможенник, личностные качества, методика, корреляция, фактор, форма.

## КИРИШ

Психодиагностика фанида шахс тузилишини иложи борича тўлиқ тавсифлашга имкон берадиган энг мақбул хусусиятлар масаласи бугунги кунга қадар қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Тадқиқотлар ушбу соҳадаги асосий назариялар ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин бўлган турли нуқтаи назарларни илгари суришган; Р.Б.Кеттел оптимал хусусиятлар сонини 16 та, “Катта бешлик” (Big Five) концепсияси муаллифлари 5 та, Г.Айзенк эса шахснинг уч ўлчови ҳақида ўз асарларида сўз юритган.

Р.Б.Кеттелнинг ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси 16 PF кўплаб соҳаларда кадрларни танлашда қўлланилади. Шу боис психологик диагностикада “ўн олти омилли шахс сўровномаси” кенг қўлланилмоқда [4, 85 б.].

Шу боисдан ҳам, Р.Б.Кеттелнинг ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси 16 PF “А” вариантини божхона хизмати ходимлари учун мослаштириш амалларини бажардик.

Р.Б.Кеттелнинг ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси 16 PF (“А” вариант) шахснинг индивидуал-психологик хусусятларини баҳолашнинг энг кенг тарқалган анкета усулларидан биридир. Р.Б.Кеттел раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва шахсдаги асосий 16 та ва қўшимча 4 та факторни ўлчаш учун мўлжалланган ва унинг хусусиятларига асосланган тадқиқотларни амалга оширишда қўлланилади [2, 58 б.]. Сўровномадаги асосий факторлар “одамовилик-киришимлилик”, “кучли-кучсиз интеллект”, “ҳиссий беқарорлик-ҳиссий барқарорлик”, “қарамлик-хукумронлик”, “беғамлик-дадиллик”, “ижтимоий меъёрларга паст даражада риоя қилиш-ижтимоий меъёрларга юқори даражада риоя қилиш”, “тортинчоқлик-жасурлик”, “қатъиятсиз-қатъиятли”, “ишонувчанлик–шубҳаланиш”, “амалийлик-хаёлпарастлик”, “соддалик-дипломатия”, “хотиржамлик-ташвишли”, “консерватизм-радикализм”, “тобелик-мустақиллик”, “ўзини кучсиз назорат қилиш- ўзини кучли назорат қилиш”, “зўриқиш-бўшашиш”, шкалаларидан иборат. Шунингдек, қўшимча

факторлар “паст ва юқори даражадаги хавотирланиш”, “интроверсия-экстроверсия”, “сезувчанлик-оғир-вазминлик”, “конформлик-мустақиллик”дан иборат эди. Ушбу методикалар шахсга хос бўлган сифат ва хусусиятларини турли қирраларини атрофлича ўрганишга имкон беради.

**МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ.**

Ҳозирги кунга келиб Кеттел сўровномаларининг бир неча шакллари ишлаб чиқилган. Кеттел сўровномаларининг биринчи формалари “А” ва “В” шакллари 187 та саволдан иборат бўлиб 1949-1950 йиллардан бери қўлланилиб келинмоқда. Кейинчалик “С” ва “D” шакллари 105 та саволдан иборат бўлган турлари пайдо бўлди. Бу вариантларнинг барчаси ўрта ёки олий маълумотли шахслар учун мўлжалланган эди. 60-йилларнинг бошида сўровноманинг 128 та саволдан иборат бўлган “Е” ва “F” шакллари, шунингдек, болалар учун 12 омилли ва ўсмирлар учун эса 14 омилли вариантлари ишлаб чиқилди. Булардан ташқари, сўровноманинг катталар учун қисқа версияси 79 саволдан иборат бўлган 13 та шкалалиси ишлаб чиқилди.

Ушбу сўровноманинг махаллий тадқиқотлар фойдаланилган бир қатор шакллари мавжуд, яъни ўнта омилли шакли А.Жабборов, Ю.Асадов, Б.Сирлиев, И.Х.Арифхожхаева [1] болалар учун мослаштирилган шакли З.Нишонованинг ишларида, сўровноманинг “А” варианти [3] баъзи бир тадқиқотларда қўлланилган бўлсада, тўлиқ мослаштириш жараёни келтирилмаганлиги, 13 омилли сўровномаси эса А.Расулов [5] томонидан тўлиқ мослаштириш жараёнлари очиб берилганлигини кўришимиз мумкин. Биз ўз тадқиқотимизда методиканинг энг кенг тарқалган шакли 16 PF “А” вариантидан фойдаланишга қарор қилдик. Асосий мезон сўровномада 16 та шкалалардан иборатлилиги ва 4 та қўшимча шкалаларнин мавжудлиги ва иккинчи ҳолатда сўровноманинг саволлари 187 тада иборатлилиги бўлди. Кўплаб илмий ишларда хусусан божхона, ҳарбий, авиация соҳа ходимларининг психологик қиёфасини очиб бериш, уларнинг шахс хусусиятларини ўрганиш мақсадида изланувчилар ушбу методикадан фойдаланганини ҳам кўришимиз мумкин [6].

**МАТЕРИАЛ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ.**

Сўровноманинг факторлари йўналишига кўра қуйидагича кўринишга эга ва ҳар бир сўровнома шкалалари тегишли лотин ҳарфлари билан кўрсатилган:

- коммуникатив сифатлар блоки (A, H, E, L, N, Q2 факторлар);
- интеллектуал хусусиятлар блоки (B, M, N, Q1 факторлар);
- эмоционал хусусиятлар блоки (C, F, H, I, O, Q4 факторлар);
- регуляторлик хусусиятларИ блоки(G, Q3 факторлар).

**Р.Б.Кеттелнинг ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси факторлари қиймати**

| Белги | Паст қийматга мос келувчи шахсият хусусиятлари “-“ | Юқори қийматга мос келувчи шахсият хусусиятлари “+” |
|---|---|---|
| A | **Киришимлилик** | |
| | Ёпиқ, яширин, камгап, одамови | Очиқ, киришимли, дилкаш |
| B | **Интеллектуаллик** | |
| | Паст интеллектуаллик, Секин тушуниш, конкрет микрловчи | Юқори интеллектуаллик Тезда тушуниш, абстракт фикрловчи |
| C | **Ҳиссий барқарорлик** | |
| | Эмоционал беқарор, ҳис-туйғуларини назорат қила олмайди | Эмоционал барқарор, ҳис-туйғуларини назорат қила олади |
| E | **Етакчиликка интилиш** | |
| | Бўйсунувчан, итоаткор, кўнгилчан | Доминант, гапга кўнмас, ҳукумрон |
| F | **Беғамлик** | |
| | Мулоҳазали, бамаъни, шошмас, жиддий | Бемулоҳазали, шошқалоқ, ножиддий |
| G | **Ижтимоий меъёрларга риоя қилиш** | |
| | Маъсулиятли, қонунларни менсимайдиган, принципиалсиз | Маъсулиятсиз, қонунларга риоя қилувчан, принципиал |
| H | **Ижтимоий дадиллик** | |
| | Ўзига ишонмаган, тортинчоқ, журъатсиз | Дадил, ўзига ишонган, жасур, довюрак |
| I | **Таассуротчанлик** | |
| | Жиддий, қаттиқўл, баджахл, мард | Юмшоқ, мулойим, мехрибон, нозик |
| L | **Шубхаланувчанлик** | |
| | Ишонувчан, самимий, очиққўнгил | Шубхакор, носамимий, рашқчи |
| M | **Хаёлий тимсоллари бой** | |
| | Алиётчи, фантазияларга мойил эмас, майда чуйдаларга диққатли | Хаёлпараст, паришонхотир, амалиётчи эмас |
| N | **Дипломатик муносабат ўрнатиш** | |
| | Содда, кўнгилчан | Дипломатик, синалган, чиниққан |
| O | **Безовталик** | |
| | Бепарволикка, хотиржамликка мойил | Хавотирга, ўзига айбни ҳис этишга мойил |
| Q1 | **Янгиликка сезгирлик** | |
| | Консерватив, анъаналарни ҳурмат қилиш | Радикал, янгилик яратишга мойил |

| | | |
|---|---|---|
| **Q2** | **Мустақиллик** | |
| | Конформист, гуруҳнинг кўмагига муҳтож, тобелик | Ноконформист, гуруҳ фикридан мустақил |
| **Q3** | **Ўзини ўзи тартибга солиш** | |
| | Пунктуал эмас, паст даражада ўзини ўзи назорат қилиш | Пухта, юқори даражада ўзини назорат қилиш |
| **Q4** | **Зўриққанлик** | |
| | Ўзини тута олмайдиган, қувватсиз, бўшанг | Вазмин, оғир босиқ, ғайратли, актив, фаол |

Р.Б.Кеттелнинг ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси 16 PF бирламчи 16 та омилга қўшимча равишда яна иккиламчи омиллар (F1, F2, F3, F4) бўйича ҳам натижаларни беради. Хулоса қилиб айтганда ушбу тест шахс ҳақидаги 20 хил хусусиятни очиб беради.

| **Белги** | **Паст қийматга мос келувчи шахсият хусусиятлари “-“** | **Юқори қийматга мос келувчи шахсият хусусиятлари “+”** |
|---|---|---|
| **F1** | **Хавотирланиш** | |
| | Заиф мотиватция, қўйилган мураккаб мақсадларга эриша олмайди | Жуда юқори ташвиш, паст даражадаги мослашувчанлик, ташвиш |
| **F2** | **Экстроверсия-интроверсия** | |
| | Тортинчоқ, уятчан, махфийлик, вазминлик | Ижтимоий алоқаларни ўрнатишга ва сақлашга қобилиятли |
| **F3** | **Сезгирлик** | |
| | Нозиклик, хушмуомалалилик, фикрларни кўплиги туфайли қарор қабул қилишга қийналиш | Барқарор, қатъиятлилик, қарорларни қабул қилишда тезкор, эмоционаллик жуда юқори |
| **F4** | **Конформлик** | |
| | Қўллаб-қувватлашга муҳтож ва ижтимоий гуруҳлар талабларига бўйсуниш, гурухдан ажралмаслик | Ўз қоидаларига риоя қилишни афзал кўриш, ҳар доим ҳам бошқаларнинг фикрига эътибор бермаслик |

Бизнинг тадқиқотимизнинг амалий янгиликларидан бири хам Р.Кеттелнинг сўровномасининг 16 PF “А” вариантини тўлиқ ўзбек тилига мослаштиришдан

иборат бўлди. Натижада ушбу методиканинг божхона хизмати ходимларининг психологик жиҳатдан тайёрлаш ва индивидуал-психологик тестлардан ўтказиш, Божхона институтига ўқишга кираётган абитуриентларнинг шахсий фазилатларини аниқлаш, божхона соҳасида янги лавозим профайлерлар жорий этиш ишлари олиб борилаётганлиги ва уларни саралаш жараёнидан ўтказишда кенг тарзда Кадрлар бўлимлари томонидан қўлланилиши мумкинлигига имконият яратилди.

**НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУХОКАМАСИ.**

Сўровнома лингвист мутахассислар томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва русча ва инглизча вариантлари билан солиштирилди. Натижаларни қайта ишлашда ортиқча қийинчиликка учрамаслик ва енгил ечимни топиш учун, қисқа вақт ичида жавобларни таҳлил эта олиш учун, психолог бўлмаган шахслар ҳам ўқиб, ечилган тестни жавобларини чиқара олишлигини имкониятини яратиш учун тестни унификация қилдик. Шундан сўнг Божхона институти 3 курс курсантлари 78 нафаридан илк синов ўтказилди. Сўровноманинг ишончлилигини текшириш мақсадида худди ўша контингентдан ретест қоидасига таяндик. Сўровномани мослаштиришнинг ретест қоидаси бўйича натижалар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган, ретест тўрт ҳафта вақт оралиғида ўтказилган методнинг кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция коэффицентлари қуйидагича: Киришимлилик “A” 0,592, Интеллектуаллик “B” 0,596, Ҳиссий барқарорлик “C” 0,709, Етакчиликка интилиш “E” 0,518, Беғамлик “F” 0,677, Ижтимоий меъёрларга риоя қилиш “G” 0,544, Ижтимоий дадиллик “H” 0,740, Таассуротчанлик “I” 0,455, Шубхаланувчанлик “L” 0,502, Хаёлий тимсоллари бой “M” 0,433, Дипломатик муносабат ўрнатиш “N” 0,598, Безовтали “O” 0,603, Янгиликка сезгирлик “Q1” 0,686, Мустақиллик “Q2” 0,684, Ўзини ўзи тартибга солиш “Q3” 0,602, Зўриққанлик “Q4” 0,698. Айтиб ўтиш керакки, ушбу натижаларимиз методикани мослаштиришнинг психометрик талабларини қониқтиради. Умуман олганда натижалар юқори коэффициентларга эга бўлди.

**1-жадвал**

**Ретест натижалари**

| **T/p** | **Факторлар** | **1-синов** | | **2-синов** | | **r** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **x** | **σ** | **x** | **σ** | |
| 1. | **A** | 12,6154 | 2,87953 | 13,7692 | 2,79574 | 0,592** |
| 2. | **B** | 8,8718 | 1,76075 | 7,5641 | 3,47006 | 0,596** |
| 3. | **C** | 17,3077 | 4,02688 | 17,7436 | 4,17922 | 0,709** |
| 4. | **E** | 12,6667 | 3,30944 | 13,4359 | 3,21357 | 0,518** |
| 5. | **F** | 14,1923 | 3,52379 | 14,6538 | 3,36841 | 0,677** |
| 6. | **G** | 14,8718 | 2,69371 | 15,7436 | 3,02559 | 0,544** |
| 7. | **H** | 16,6154 | 3,92538 | 17,1410 | 4,26013 | 0,740** |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 8. | **I** | 7,5897 | 2,68442 | 8,0769 | 3,32159 | 0,455** |
| 9. | **L** | 17,7436 | 4,17922 | 10,1410 | 2,82716 | 0,502** |
| 10. | **M** | 10,0641 | 2,26400 | 11,3974 | 3,16778 | 0,433** |
| 11. | **N** | 10,4359 | 2,60165 | 10,2308 | 2,67224 | 0,598** |
| 12. | **O** | 9,5128 | 4,16149 | 9,9487 | 4,35114 | 0,603** |
| 13. | **Q1** | 9,1282 | 2,34858 | 9,6282 | 2,58421 | 0,686** |
| 14. | **Q2** | 8,3590 | 3,15806 | 8,9744 | 3,23124 | 0,684** |
| 15. | **Q3** | 14,7949 | 2,81627 | 14,9744 | 2,96286 | 0,602** |
| 16. | **Q4** | 8,9103 | 3,92523 | 8,8974 | 3,93317 | 0,698** |

Изоҳ: **p≤0,01

Сўровноманинг факторлар топшириқларининг ички мувофиқлигини текширишда Кронбах коэффициентидан фойдаландик. Барча кўрсаткичларда психогеометрик талабларга асосланилди (2-жадвал).

Кронбах коэффициентлари бўйича сўровнома факторларининг ички мувофиқлик даражаси “М” ва “В” факторларни инобатга олмаганда, жуда ҳам юқори бўлди. Бундан келиб чиқадики, сўровномани мувофиқлаштиришда ишончлилик ва валидлик даражаси белгилаб олиш мумкин.

**2-жадвал**

**Ички мувофиқликни текшириш натижалари**

| № | Факторлар | Натижалар |
|---|---|---|
| 1. | **A** | 0.744** |
| 2. | **B** | 0.596* |
| 3. | **C** | 0.829** |
| 4. | **E** | 0.682* |
| 5. | **F** | 0.807** |
| 6. | **G** | 0.702** |
| 7. | **H** | 0.849** |
| 8. | **I** | 0.616** |
| 9. | **L** | 0.688** |
| 10. | **M** | 0.581* |
| 11. | **N** | 0.748** |
| 12. | **O** | 0.751** |
| 13. | **Q1** | 0.643** |
| 14. | **Q2** | 0.812** |
| 15. | **Q3** | 0.751** |
| 16. | **Q4** | 0.822** |

Изоҳ: *p≤0,05; **p≤0,01

Юқоридаги амаллар бажарилгандан сўнг сўровноманинг балларини 10 баллик шкалага келтириш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун Давлат божхона қўмитаси шахсий таркибига киритилган 3950 та ходим орасидан репрезентатив танланмага Тошкент вилояти, Тошкент шахри, “Тошкент–АЭРО” ИБК, Божхона институти курсантларидан иборат бўлган 357 нафар ходим ва курсантлар танлаб олинди ҳамда сўровнома ўтказилди.

**ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР**

Сўровноманинг мослаштириш жараёнида олинган ижобий натижалар бажарган ишимизни тўлиқ якунланган деган хулосага келишга имконини беради. Ушбу методиканинг ўтказиш мувофиқлиги жуда юқорилиги аён бўлди. Ушбу методика божхона ходимларида учрайдиган муаммоларни психодиагностика орқали аниқлашга жуда қулайлаштирилди.

Р.Б.Кеттелнинг ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси 16 PF “А” вариантини тўлиқ ўзбек тилига мослаштирилди, сўровноманинг жавобларини қайта ишлаш тизими унификация қилинди ва жавоблар варағининг такомиллашган варианти шакллантирилди, натижада ушбу методикани ходимларни профайлингга оид бўлган хусусиятларини баҳолашда мутахассис бўлмаган шахс учун ҳам қайта ишлаш имконияти яратилди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Арифхожхаева И.Х. Ички ишлар идоралари сержантлар таркиби фаолиятини такомиллаштиришнинг психологик омиллари. Психология фанлари номзодини олиш учун ёзилган диссертация. –Т. 2011. 86-б.

2. Бодалев А.А. Столин В.В. Аванесов В.С. Общая психодиагностика. СПб.: Изд-во «Речь», 2000. 58 с.

3. Равшанов Л.У. Замонавий ҳарбий хизматчи имижининг психологик жиҳатлари. Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2019.

4. Расулов А.И. “Умумий психодиагностика” фанидан тузилган ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: ЎзМУ. – 2011. – 85 бет.

5. Расулов А.И. Шахс психодиагностикаси методикаларининг илмий-амалий аослари. Психология фанлари доктори (DCs) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2020.

6. Чаленко Н.В. Развитие социально-психологической компетентности сотрудников служба профайлинга. Диссертация на соискание ученой степени кандидата психологических наук. – М. 2010.